



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 2-aprel. Shanba

41 (31.317)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш сиёсий партиядан фаоллик, ташаббускорлик ва катта масъулият талаб қилади

■ Маърузачи Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ҳаётга татбиқ этишда ЎзХДП ташкилотлари фаоллигини янада ошириш лозимлигини таъкидлади. Олий Мажлис палаталари «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»-ги ва шу муносабат билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларни маъқуллади.



Владимир ГОНЧАРЕНКО олган сурат.

Эътироф

Ўзбекистон мамлакатининг мустақкам ва барқарор ривожланишини, изчил иқтисодий ўсишни, давлатнинг халқаро майдонда кенг эътироф этилишини таъминлашга имкон берувчи ислохотлар сиёсатини тўғри олиб бораётгани сабабли халқаро экспертлар ва академик жамоатчилик эътиборига тушмоқда. Мен 2009 йили Ўзбекистонни кўриш бахтига сазовор бўлдим. Шунингдек, бой ва кўз қорачидек асраб-авайланаётган маданий меросга ва халқимизнинг меҳмондўст халққа эга бўлган мамлакатингизга қилган сафарим менда ўчмас таассурот қолдирди.

Патрис д'Арту де ла КОРДАМИН, профессор (Франция)

Янгиликлар

Инсон кулганда гўзал

■ Тошкент Фотосуратлар уйида «1 апрель — Халқаро кулги куни» муносабати билан «Дунё кулганда тирик» мавзусида табассум кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси, «Мушум» ва «Санъат» журналлари ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада сатира ҳамда юмор усулида ижод қилаётган 15 нафардан ортиқ ижодкорларнинг 100 га яқин асарлари намойиш этилди.

Савдо шохобчалари

учун музлатгичлар

■ Наманган шаҳридаги «Само таъмир сервис» масъулияти чекланган жамиятда ойнаванд музлатгич ҳамда стеллаж-музлатгичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонада ўтган йили зарур техникалар келтирилиб, хомашё ҳамда бутловчи қисмлар захираси яратилган, ойнаванд музлатгич ва стеллажларнинг дастлабки моделлари тайёрланган эди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан корхонада йигирма киши доимий иш жойига эга бўлди.

Жаҳон чемпионати медаллари

■ Москва шаҳрида кўл жанги бўйича жаҳон чемпионати якунланди.

Дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан келган энг кучли спортчилар орасида Ўзбекистон терма жамоаси муносиб иштирок этди. Ҳамюртларимиздан Шухрат Абдураимов, Одил Сирожиiddинов ҳамда Жаҳонгир Мансуров ўз вақти тоифасида жаҳон чемпионатининг бронза медалларини кўлга киритди.

Дастурий мақсадларни амалга ошириш учун янги шарт-шароит ва имкониятлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломовнинг партия Марказий Кенгаши IV пленумидаги маърузаси баёни

Унга кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўрнини кўлга киритган бир неча партия томонидан таклиф этилади.

Концепция асосида қабул қилинган қонунлар воситасида бир вақтнинг ўзида ижроия ҳокимияти устидан парламент назоратини кучайтирувчи ва ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулиятини оширувчи янги ҳуқуқий механизм вужудга келаяпти. Бу механизм жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари тажрибаларига тўла мос келадиган ҳамда Ўзбекистонда демократик модернизация дунё таърибасига, миллий давлатчилик анъаналарига асосан босқичма-босқич амалга ошириляётганини кўрсатади.

Бу қонун қабул қилиниши билан давлат ва жамият қурилишининг бир неча жаҳасида бир пайтнинг ўзида демократик ислохотларни амалга ошириш бўйича кенг қамровли иш бошланди. Бундан кўзда тутилган бош стратегик мақсад — Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқишни босқичма-босқич таъминлашдир. Бунда давлат қонун устуворлиги, таъсирчан ҳокимият ва кучли фуқаролик жамиятига таянади.

ЎзХДП Марказий Кенгашининг учинчи пленумида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг устувор йўналишларини амалга оширишда партия иштирокини таъминлашга қаратилган, 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинган эди.

Бу дастурни амалга ошириш жараёнида маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзоларининг ташаббуслари кўпайди. Жумладан, халқ депутатлари Термиз тумани Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз аъзоларининг ташаббуси Янгиарик қишлоғи ҳудудида мебель ва гилам ишлаб чиқариш бўйича бир қатор кичик ва хусусий корхоналар ташкил этишга таъсир этди. Туманда махсус иссиқхоналар тармоғи ривож топди, «Сурхонбалик» ўқув-ишлаб чиқариш мажмуи ташкил этилди. Шўрчи туманида партияимиз аъзоларининг ташаббуси туфайли меҳмонхона, суратхона,

интернет хизмати ва саргарош-хонадан иборат замонавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуи юзага келди.

Халқ депутатлари Қарши тумани Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи сутни қайта ишлайдиган кичик завод барпо этишга кўмаклашди. Ҳузур туманида партияимиз депутатлари электротимизининг 37 нафар вакилига оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун кредит олишда кўмаклашди.

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ҳам партияимиздан сайланган депутатлар фаолиятининг натижалари сезиларли даражада ошмоқда. Уларнинг ташаббуси билан мактабгача таълим муассасалари ва кўп қаватли тураж-жой биноларини иситиш ва иссиқ сув етказиб бериш учун замонавий ва тежамкор қозонхоналарни ўрнатиш бўйича иш бошлаб юборилди. Бу эса 2011 йил январь-февраль ойларида 12 та мактабгача таълим муассасасига иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб бериш, айни пайтда, бунга сарфланадиган табиий газни тежаш имконини берди.

Буларнинг барчаси жойларда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, аҳолининг муҳтож қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаси ва бошқа муҳим ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурларини бажариш, Концепция гоъяларини амалга оширишда ЎзХДП депутатлари ва

(Давоми 2-бетда.)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Миллий парламентаризм ривожиди



Абдуманноб РАХИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси

■ Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган ҳар қандай мамлакатнинг давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ўрни беқиёс. Зеро, парламент — мамлакат аҳолиси томонидан сайланадиган вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Шу боис, ривожланган давлатларда парламент фаолиятини такомиллаштириш, фаолият самарадорлигини ошириш, парламент ва давлат ҳокимиятининг бошқа субъектлари иштини уйғунлаштиришнинг маъқул йўллари излаш

каби тадбирлар мунтазам олиб борилади. Республикаимиз босиб ўтган 20 йиллик мустақил тараққиёт йўли ва ўтган йилнинг 12 ноябрида Президентимиз таклиф этган Концепцияда илгари сурилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти

ва аҳамияти таҳлиллари миллий парламентаризмни ривожлантириш, ислохот қилишдан кўзланган асосий мақсад нима деган саволга жавоб топиш, бу ҳақда мушоҳада юриштишга имкон беради.

⇒ 2



Ўзбекистон ва жаҳон Икки маданият ўртасидаги кўприк

■ Сўхбатдошимиз Ўзбекистон — Британия жамияти раиси, Ўзбекистон — Британия савдо ва саноат кенгаши ҳамраиси, таниқли сиёсатшунос ва халқаро ҳуқуқшунос Ҳартли Бут.

⇒ 3

Спорт

Эгардан учиб кетмаслик учун, маҳкам ушла!

От спортининг конкур тури бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида жаҳон кубогининг биринчи босқичида иштирок этадиган мамлакат терма жамоасининг асосий таркиби аниқланди



⇒ 4

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 29 MARTDAN BO'SHLAB HORIJIIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1725,04	1 Миср фунти	282,81	1 СДР	2667,28	10 Жанубий Корея вони	15,09
1 Англия фунт стерлинги	2691,79	1 Канада доллари	1714,08	1 Туркия лираси	1082,00	10 Япония иенаси	205,63
1 БАА дирхами	457,70	1 Хитой юани	256,19	1 Швейцария франки	1825,19	1 Россия рубли	59,56
1 АҚШ доллари	1681,00	1 Малайзия рингити	555,70	1 Евро	2381,34	1 Украина гривнаси	211,24

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

КОНЦЕПЦИЯ

асосида қабул қилинган қонунлар орқали парламентнинг ижро ҳоқимияти устидан назоратини кучайтирувчи янги ҳуқуқий механизм вужудга келаяпти.

Дастурий мақсадларни амалга ошириш учун янги шарт-шароит ва имкониятлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломовнинг партия Марказий Кенгаши IV пленумидаги маърузаси баёни



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мазкур форумлар доирасида партиянинг электорати учун микролоявий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ва амалий механизми тўғрисида иқтисодий ўқувлар ташкил этиляпти. Шу билан бирга, партиянинг фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан электоратнинг иқтисодий жиҳатдан фаол вакиллари аниқлашиб, уларнинг бизнес лойиҳалари ўрганиб чиқилмоқда. Натижада 170 дан ортиқ шундай лойиҳалар истиқболли деб топилди, лойиҳа муаллифларига тижорат банкларида имтиёзли микрокредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

кабрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида алоҳида эътибор қаратган масалалардан биридир. Бундан келиб чиқадиган вазифалар Марказий Кенгаш иштирокида ўтказилган партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши пленумида муҳокама қилинган. Бу масала Жомбой туманида ҳам муҳокама этилган, бироқ амалий натижа ҳалигача кўринмапти.

Маърузачи таъкидлаганидек, Самарқанд вилояти маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз йўл қўйиб бўлмайдиган сустрасида берилган ягона миқдори эмас. Жумладан, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Дўстлик туман кенгашларида, Навоий вилоятининг Кармана ва Нурота туман кенгашларида Марказий Кенгаш томонидан 2011 йилнинг 3 ойи давомида қўйилган вазифаларни бажариш учун деярли ҳек иш қилинмаган. Шунингдек, Самарқанд вилоят Кенгаши раҳбарлари ҳам худди шу фикр айтилди. Хатто уларнинг айримларини ваколат мuddати тугаганини кўриб ўтирмай қачқиб олиш масаласини ўртага қўйиш кераклиги таъкидланди.

рофлича тушунтиришда партия Ахборот-ресурс марказлари имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим. Бироқ кўпга тўғри ва шаҳар кенгашларимиз Ахборот-ресурс марказлари фондларини Концепцияга доир китоб ва газета-журналларда чоп этилган материаллар, тегишли тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича методик қўлланмалар билан бойитиш масаласида ташаббус кўрсатмаётир.

Ўзини ўзи бошқариш органларига

сайловлар юксак савияда, халқимизнинг фаоллиги остида ўтади

Шу йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ўтказилади. 2008 йил ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган сайловларда 9 минг 881 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 85 минг нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланган эди. Айтиш мумкин, уларнинг ваколатлари тугаяпти. Бу йил 10 минг нафарга яқин фуқаролар йиғини раиси ва 98 минг нафардан ортиқ маслаҳатчи сайланади.

Оммавий ахборот воситалари учун Миллий матбуот марказида ўтказилган учрашув шу мавзуга бағишланди. Унда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари тadbирга тайёргарлик ҳақида ахборот беришти.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Миллий парламентаризм ривожини

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Миллий парламентаризмни шакллантириш ва замон талабларига мувофиқ тарзда ривожлантириб боришга қаратилган ислохотларнинг илмий-амалий таҳлилга таянган ҳолда, шартли равишда уч босқичга ажратилиши мумкин.

ҳамда давлат ҳоқимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чикарувчи ҳоқимиятнинг асосларини белгилаб, миллий парламент ислохотларининг иккинчи, яъни ривожланиш босқичини бошлаб берди.

ят органларининг шакллантирилишига, уларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати йўлга қўйилишига фаол таъсир кўрсатиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратди. Буларнинг барчаси деярли жадвал ривожланиши тизимининг тадрижий ривожланишига, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари мустақамланишига улкан таъсирини ўтказмасдан қолмади.



Анвар БОЙКУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ўтган йилларда давлат ҳоқимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилган ишлар бугунга келиб ислохотларнинг навбатдаги босқичига замин яратди. Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонун қабул қилинди.



Ҳайрullo РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муҳим ўрин тутган йўналишлар бўйича Бош вазир ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколати доирасига киритилди. Қатор мамлакатларда ҳар йили бир марта парламент олдида ҳуқуқнинг ҳисоб бериши амалиёти киритилди. Янги Конституциявий қонунда парламентнинг ижроия ҳоқимиятига таъсирини янада оширади. Мухими, ҳуқуқат устидан жамоатчилик назоратини кучайтиради. Бу эса ҳуқуқат фаолияти шаффофлигини, дом эл-юрт назариди туришини таъминлайди.

Ўқув-семинар

Депутатлар ва ОАВ ҳамкорлиги

демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилади

Бугунги давр депутатлар ва сенаторларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янги поғонага олиб чиқишни таъқоз этади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жамоатчилик орасида ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришдан туриб, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ва жаҳон

Икки маданият ўртасидаги кўприк



Суҳбатдошимиз ҳақида қисқача маълумот: Ўзбекистон — Британия жамияти раиси, Ўзбекистон — Британия савдо ва саноат кенгаши ҳамраиси Ҳартли Бут таниқи сиёсатшунос...

Ўзбекистон — Британия жамияти ташкил этишининг ташаббускори бўлган экансиз. Бу жамиятини тузишдан қўзланган мақсад ва ўтган давр мобайнида жамият ўз олдига қўйган вазифаларга қай даражада эришти?

Бўйича иш олиб борилади. Масалан, Самбриге университетидаги бўлимимиз аъзолари илмий ва таълим борасидаги алоқалар, фикр алмашишларни ривожлантиришга қаратилган тadbирларни, жамиятимиздаги ёшлар эса кўпроқ маданият-санъатни тарғиб қилишга оид тadbирларни ўтказишди.

— Халқаро интернет тармоғи ривожланган, одамлар ўзлари керакли маълумотни ундан олишлари, ҳатто бемалол муносабатларга эришишлари мумкин. Аммо юзма-юз суҳбатнинг, уррашнинг афзалликлари бор.

— Қаердаки ўзаро манфаатдорлик бўлсагина савдо ва саноат алоқалари ривожланиб бораверади. Кенгашимизга аъзо бўлган ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган қирққа яқин компания қаторига яқинда яна бири — минерал казиб чиқаришга иктисослашган «Рио Тинто» компанияси ҳам қўшилди.

— Ҳар йили нишонлаганимиз тўғрисида қандай байрам эканини жамиятимизнинг британиялик аъзолари жуда яхши билишади. Ўзбекистон санъат вақиларини тақлиф қиламиз, тadbирларимизда карнавал сурнай садолари янграйди.

Иқтисодийёт ва ислоҳот

Молиявий мадад — тараққиётга хизмат қилади

«Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкининг Бухоро вилоят бошқармаси жамоасининг ибратли ишлари ҳақида



Банк жамоаси Бухорони боғ-роғларга айлантириш ташаббусига қўшилиб, вилоятдаги коллеж ва лицейларга минг тупдан зиёд мевалар ва 300 тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари олиб беришда ҳомийлик ёрдамини кўрсатди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида замонавий техниканинг аҳамияти бекиёс. Шундан келиб чиқиб, бошқарма ходимлари деҳқонларга кўрсатилган банк хизмати турларини янада кўпайтириб, уларга амалий ёрдам бериш, экинларга ишлов беришда зарур бўлган техника воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишди.

монидан моддий-техника сотиб олиш учун «Агробанк» тизимида хизмат кўрсатилётган вилоят «Пахтаасаноат» бирлашмаси ва 11 та туман пахта тозалаш корхоналарига жами 110 000 млн. сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

дир олгандим, — дейди «Амир транс сервис» масъулияти чеklangан жамият раиси Раҳим Бақоев. — Айни пайтда ана шу кредит эвазига сотиб олинган автобуслар билан Бухоро шаҳри ва вилоят аҳолисига транспорт хизмати кўрсатилди.



гайтириш учун миқозларга жами 167549 дона, шундан бюджет ташкилотларининг ходимларига 107638 дона пластик таркатилган.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили



Сифатли маҳсулотлар

Китобда тadbиркорлар кўп. Шаҳарнинг бир қанча маҳалласида янги савдо шохобчалари қад ростламоқда. Улар орасида яқингинада иш бошлаган «Гранд» савдо-ишлаб чиқариши мажмуи ажралиб туради.

— Бу бинони ҳамкорликда курганмиз, — дейди тadbиркор Бекмурод Раҳматов. — Банкдан кредит олдик, ўз жамғармаимизни ишлатдик. Иккинчи қаватни ҳали тўла жиҳозлаганимиз йўқ.

Шарофот Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Одамларга нафим тегса, дейман...»

Замондошларимизнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси, интилиши, орзу-уйлари яқин ўтмишдаги одамлардан тубдан фарқ қилади.

Муратбой Тўлаганов Қорақалпоғистон Республикасининг энг шимоллида — Тахтақўпир туман марказидан 16 километр олисда жойлашган Мулик овул фуқаролар йиғини худудида яшайди.

Оила тadbиркорлиги қўллаб-қувватланапти

«Микрокредитбанк» Балиқчи тумани филиали жамоаси миқозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш, тadbиркорлик фаолиятини бошловчиларга амалий ёрдам бериш, микрокредитлар ажратиш бўйича ибратли ишлар қилмоқда.

— Тadbиркорлик фаолиятимизда бошлаш учун «Микрокредитбанк»нинг туман филиали мутахассис ходимлари сизидилдан кўмаклашди, — дейди Маҳфуззона Маматхўжаева. — Умр йўлдошим, фарзандларим билан юзта насли товуқни талаб даражасида боқишга ҳаракат қилаяпмиз.

